

Мўътабар Тожибоева турк рўзномасидан раддия талаб қилмоқда

🕒 16 Декабр 2013 | 📧



🔗 Баҳам кўринг

Парижда яшаётган инсон ҳақлари фаоли Мўътабар Тожибоева Гулнора Каримова билан суҳбат чоп этган "Хуррият" рўзномасини ўзига қарши бўҳтон тарқатишда айблаган.



Гулнора Каримова "Хуррият"нинг саволларига электрон почта орқали жавоб қайтарган

Тожибоева хонимнинг Hurriyet daily news Бош муҳаррири Мурат Йеткинга йўллаган мактубида ёзишича, шу йилнинг 8 декабр куни Ўзбекистон Президентининг тўнғич қизи Гулнора Каримова билан чоп этилган интервью ўзининг "шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи ёлғон маълумотларни" ўз ичига олган.

Ўзбекистонлик фаол рўзномадан раддия бериш ва кечирим сўрашни талаб қилмоқда.

Акс ҳолда у "Хуррият" га қарши маҳкама даъвоси очиш билан таҳдид қилган.

Каримова хоним ўз интервьюсида Мўътабар Тожибоевани, жумладан, ҳибсда қийноққа солингани иддао қилинган собиқ ёрдамчиси ҳақидаги сўзларини рад этиш мақсадида ўзбек расмийлари билан тил бириктирганликда айблайди.

Ўзбекистон Президентининг тўнғич қизи, шунингдек, Тожибоева ва бошқа фаолларнинг Ўзбекистонда бизнес манфаатларига эга эканини даъво қилган.

30 ноябр куни Гулнора Каримова Твиттер микроблогда Юнонистон фуқароси бўлган Янис Галаноснинг иқрорлик кўрсатмаси беришга мажбурлангани ва қийноққа солинганини иддао қилган эди.

4 декабр куни Тошкентдаги "Эзгулик" инсон ҳуқуқлари жамияти жаноб Галаноснинг Гулнора Каримова иддаоларини рад этувчи баёнотини эълон қилган.

Жамият фаоллари билан суҳбатда Тошкентда ҳибсхонада ушлаб турилган 31 ёшли Юнонистон фуқароси ўзининг Ўзбекистоннинг маъмурий қонунчилигини бузганини тан олган ва қийноққа солингани ҳақидаги гап-сўзларни "бўхтон" деб атаган.

Кейинроқ интернетда Гулнора Каримова ёрдамчисининг раддияси акс этган видео ҳам пайдо бўлган.

Мўътабар Тожибоева Галаноснинг раддиясига мутлақо алоқаси йўқлигини айтиб, "Хуррият" журналистини непрофессионаллик ва ноҳолислиқда айблади.

Электрон мусоҳаба

"Хуррият" рўзномасида Гулнора Каримова билан чоп этилган суҳбат муаллифи Асли Баришнинг Би-би-сига айтишича, Каримова хоним билан суҳбат электрон почта орқали йўлланган саволлар ва жавобларга асосланган ва рўзнома ҳеч қайси томоннинг тарафини олмаган.

"Мен суҳбатдаги даъволарни текширишга ҳаракат қилдим, аммо Ўзбекистондан ҳеч ким биз билан мулоқот қилишни истамади", деб айтди туркиялик журналист.

Унинг сўзларига кўра, Гулнора Каримова билан 17 марта электрон почта орқали ёзишган.

"Гулнора Каримованинг твитлари ҳамманинг оғзида эди ва биз ҳам бу қизиқишдан келиб чиққан ҳолда унинг ҳикоясини чоп қилдик. Биз ҳеч кимнинг тарафини олганимиз йўқ", - деб айтди журналист.

Би-би-сининг нима учун Мўътабар Тожибоева ва суҳбатда номлари тилга олинган бошқа фаоллар билан боғланишга ҳаракат қилмагани ҳақидаги саволига жавобан Асил Бариш барча тарафлар билан мулоқот қилиш, жумладан, Тожибоева хоним билан ҳам суҳбатлашишга тайёрлигини билдирди.

Гулнора Каримованинг 8 декабр куни "Хуррият"да чоп этилган суҳбати унинг шу йил октябрида Ўзбекистон ҳукуматидаги айрим доиралар ва оила-

аъзолари билан "Твиттер уруши" бошланганидан буён матбуотга берган биринчи интервьюси бўлган.

"Хуррият"нинг изоҳ беришича, Каримова хоним рўзномага "нима гапирса, айнан шуни ёзиш" шартини қўйган.

Ўтган ҳафта Гулнора Каримованинг синглиси Лола Каримова ҳам интервьюда янграган иддаолар юзасидан опасини маҳкамага тортиш билан таҳдид қилган.

📄 Шарҳларни кўриш

Бу ҳикояни баҳам кўринг Баҳам кўриш ҳақида



▲ Топга қайтиш

Бошқа мавзулар >



"Сурияга чиқиш визаси учун пора олган"

🕒 10 Июл 2016



Шоу- бизнесда Гулнора Каримовани "соғинишган"

🕒 10 Июл 2016



40 даража жазирамада деҳқон уйида ўтирсинми?

🕒 8 Июл 2016

Муҳаррир танлови



**Жаҳон Чемпионати-2018:
Ким ғалаба қилади? BBC
News ўйини билан бир
башорат қилиб кўринг**



**Москвадаги ўзбеклар:
“Пулсиз қолдик, қарзга
ботдик...”**



**Собиқ уйсиз дунёни
очликдан қандай
қутқармоқчи?**



**Дунёда мисли кўрилмаган
тажриба: Ўзбекистон Орол
денгизи тубини ўрмонга
айлантирмоқда**



**Инглизча «дунёнинг
севимли тили» бўлиб қола
оладими?**



**Рўзанинг танамизга
таъсирини биласизми?**



**Би-Би-Си охири замон
ҳақида хабар берди(ми?)**

Энг кўп ўқилган

'Ислон республикасида рақс тушиш учун таваккал қилгандик...хатарли таваккал!..'

1

Сурия: Ассаднинг туганмас уруши

2

Ўзбекистонда мисли кўрилмаган текширувлар ўтказилмоқда

3

Сўнги янгиланиш: 29 ноябр 2015

Самарқанд ҳоқими ва ечинтирилган аёл ўртасида қандай фарқ бор?

4

Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

Facebook

Twitter

YouTube

Мой мир

Google+

Telegram

Одноклассники

Instagram

Хизматлар



Sahifa xaritasi

News

Sport

Weather

Radio

Foydalanish shartlari

BBC haqida

Shaxsiy ma'lumot siyosati

Cookies

Accessibility Help

Parental Guidance

Bi-bi-si bilan bog'laning

Get Personalised Newsletters

Биз билан реклама қилинг

Реклама танлови

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas **Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir**